

Чунки юкорида уктириб-уктириб айтганимиз тамаддун натижалари тугиб берган умумкайфият шундайки, бугун жамиятда катта хисобда китобхон бўлиш ҳам, китоб ўқимаслик ҳам деярли бир хил натижага тенг. Ёхуд буни бироз бошқача айтиш мумкин: бугун кўп китоб мутолаа килиш инсонга фойда келтирмаётганидек, китоб ўқимаслик ҳам унга зарар келтирмаяпти. Айни масаладан яна-да жиддий ўзга муаммо ўсиб чиқади: агар жамиятда маърифат ва жаҳолатга бир хил ёндошув бўлар экан, муқарар равишда кейингиси урчиб кетади. Чунки маърифат меҳнат ва машаққат орқали кўлга киритилади, жоҳиллик кишидан бундай захматларни талаб этмайди. Жаҳолат голиб келган вақтларда кишилик жамияти берган қурбонлар ҳақида эса тарихнинг аччиқ собоги бор. Ўзбек адабиётида бунинг энг гўзал намунаси Эркин Воҳидовнинг "Рухлар исёни" дostonидир. Лекин оптимизда шунча тажрибамиз бўлишига карамай, кейинги юз йилликда ҳаётга ҳаддан зиёд прогаатик максатда ёндошадиган, бинобарин, моддий фойда келтирувчи ҳар қандай йўлни қолганлари-дан афзал кўрадиган "қавм" сони кўпайиб бормоқда... Илло, модиятга сажда қилувчилар кўп бўлган шароитда уларнинг муҳитидан ажралиб, ўзга бир олам яратиш ва унда истикомат қилиш жудаям қийин. Аммо инсоннинг рухий ўзагига эқилган маънавий эҳтиёжни менсимаслик эса барибир, энг катта қулфат эканлиги ёддан чиккани йўк!.. Бундай эҳтиёж қондирилмас, парваришланмас экан, одамзод гўё нимасинидир йўқотиб қўйгандек ҳуши бошидан учиб эсанқирайверади. Алал-оқибатда эса томирий қирқилган гулдек секин-аста сўлиши ҳам мумкин...

Нафсиламрини айтганда, китоб шаклидаги адабиётнинг қам мутолаа этилаётгани унчалик катта фожиа эмас. Бирок тараккиёт шиддати гирдобиди қолган инсоннинг қўнғил холи, қайфияти бўлмиш адабиёт ҳақида ўйлашга, мушоҳада этишга имкони тобора қисқариб бораётгани ва қондирилмаётган рухий-маънавий эҳтиёжини ҳар сонияда портлаши мумкин бўлган бомба қабил қўйнида саклаб юришга маҳкум бўлаётгани улкан фожиаларнинг даракчиси эмас, деб ҳеч қим қаролат беролмайди. Чунки ХХ аср деб аталмиш "машина" суръати шунчалар катта эди-ки, унинг "ичида ўтирган йўловчи" - инсон ўз ботинига бўйлашга қўпинча имкон тополмай ўтди. Буни ҳатто ривожланган мамлакатда яшаётган, масалан, америкаликларнинг жуда қўпчилиги Хемингуэй ва Фолкнер қабил улуг ёзувчиларининг ҳатто исмини ҳам билмаслиги исботлаб турибди. Демак, моддий ва маънавий қўсалиш ҳар доим ҳам мутаносиб бўлавермас экан. Қолаверса, "ўқимаслик" қасалининг вируслари бугун ер юзига аллақачон ёйилиб улгурган. Бизнинг орамизда ҳам уни "юқтирганлар" бехисоб. Бошқа томондан эса китоб мутолаасини телевидение, компьютер, уяли телефон ва радио маълум маънода "муомала"дан сиқиб қичармоқда. Яна шуни ҳам тан олиш қаракки, бу воситалар фундаментал тарзда бўлмаси-да, фрагментар шаклда инсон қалбига бўйлаб турибди. Аммо бу билан адабиётга бўлган инсон маънавиятининг тиниксиз эҳтиёжи босилиб қолмайди. Шунингдек, тараккиёт ҳали ана шу эҳтиёжни қондира оладиган бошқа шаклни тақлиф этганича йўк... Хуллас, тамаддун қанчалик турланмасин, барибир, рух эҳтиёжи қаршида оқизлик қилмоқда. Рухий эҳтиёж қашмаларидан бири эса адабиётдир. Бирок адабиёт қаракат ўз муҳлислари доирасида қолиши қарак эмас, у бутун жамиятнинг яшаш тарзига сингиб қетмоқи лозим. Яна мозийга муқожаат қиламиз: антиқ давр маданияти орамизгача 5-4 асрларда жуда ҳам гуллаб яшнаган, шунинг учун тарихда у "мумтоз давр"

деб ном козонган. Чунки бу вақтда нафакат адабиёт ва санъатни яратувчилар ёки унга хайрихоҳ бўлган бир канча ихлосмандлар, балки санъатга бевосита алоқаси бўлмаган оддий одамлар ҳам, кўйинги, жамиятнинг асосий қисми у ёки бу шаклда ўзини маънавият неъматларига яқин тутиб, ундан бахраманд бўлишни инсонликнинг битта шарти уни ногохоний шамолу довуллардан асраш енгил юмуш эмас. Шунга ўхшаш, миллат маънавиятининг чироги бўлмиш адабиётни ўқиш ва ўқиш, юксалтириш ҳамда таргибу ташвиқ этиш ҳам осонлик билан амалга ошмайди. Бунинг учун улкан рухий сафарбарлик зарур. Сафарбарлик эса ҳар кимнинг калбидан бошланади. Турланаётган сўз бағридаги илохий қудрат бизни шунга даъват этмоқда.

Улугбек Хамдам, 1999